

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

НАСРИТДИНОВА УМИДА АХМАДЖОНОВА

**КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА
УЧ ЎЛЧАМЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИДАН
Фойдаланиш методикаси**

**13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(компьютер графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
По педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Насритдинова Умида Ахмаджонова Компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикаси.....	5
Насритдинова Умида Ахмаджонова Методика использования средств трех мерного моделирования при преподавании курса “Компьютерная графика”	23
Nasritdinova Umida Ahmadjonovna The technique of using three-dimensional modeling tools for teaching the course “Computer Graphics”	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

НАСРИТДИНОВА УМИДА АХМАДЖОНОВА

**КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА
УЧ ЎЛЧАМЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИДАН
Фойдаланиш методикаси**

**13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(компьютер графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида
B2018.1.Phd/Ped424 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кучкарова Диларом Файзуллаевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувакильевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Сайдалиев Саидкарим Сайдинабиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи DSc28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ кuni соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz.)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.Д.Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д, PhD

Р.Б. Бешимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида компьютер графикасини ўқитиш самарадорлигига бўлган эътибор компьютер технологиялари ривожланиши ва глобаллашувига муҳим ўзгаришлар киритиш, илғор технологиялар тараққиётини белгилаб беришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг илғор университетларида компьютер графикаси таълимини визуаллаштириш, турли эффектлар билан ишлаш ва олинган натижалар барқарор тараққиёт таълимида CAD устаси, визуализатор, аниматор каби соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун муносиб шароит яратиш, бўлажак мутахассисларнинг лойиҳалаш маданиятини ривожланишига йўналтирилган виртуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида компьютер графикаси таълими соҳасида «Animation and graphics», «Construction of 3D modeling» ва «Design of graphics» каби инновацион ёндашувларни қўллаш, фаннинг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларда фазовий график тасаввурни ривожлантириш ва лойиҳалаш малакасини шакллантиришнинг визуал методларини амалиётга кенг тадбиқ этиш йўналишларида самарали илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда илғор хорижий тажрибалар асосида бўлажак мутахассисларнинг креатив қобилиятини кваллиметрик ёндашув асосида шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишга асосланган таълим муҳитини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Шу боис талабаларда ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш асосида янада такомиллаштирилиши, таълим олувчиларнинг профессионал лойиҳалаш маданиятини фаоллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида компьютер дастурий воситалари орқали фазовий моделлаштириш, визуаллаштириш, автоматлаштирилган дастурий таъминотни таълим амалиётига кенг қўламда жорий этишга катта эътибор берилмоқда, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Узлуксиз таълим тизими таркибига кирувчи олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш»¹ устувор вазифа этиб белгиланган. Таълим сифати, кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича компьютер графикаси дастурларининг имкониятларидан фойдаланиб талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, «Компьютер графикаси» фанини уч ўлчамли моделлаштириш методикаси асосида ўқитишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилган.

Республикада «Компьютер графикаси» фанини ўқитишни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-методологик, услубий асослари А.Хамрақулов, С.Сайдалиев, Д.Саидахмедовалар; олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда талабаларнинг мотивациясини шакллантириш масалалари Ч.Шокирова, Н.Ёдгоров, Н.Широкова, М.Файзиев, Т.Рихсибоевлар ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш бўйича О.Арефьева, К.Гребенников, М.Матвеева, В.Корешков, Л.Нодельман, Л.В.Павлова, Ю.И.Притула, Е.М.Третьякова, Л.М.Туранова, Т.В.Чемаданова, А.Я.Блаус, О.И.Беляков, А.Д.Ботвинников, И.В.Григорьева, Н.Н.Гомулина, Ж.Ж.Джанабаев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Хориж давлатларида «Компьютер графикаси» фани ўқув мазмунини лойиҳалаш, ўқитишни амалга оширишнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш муаммолари Z.Zuo, L.T.Erig, H.J.Chery, R.L.David, A.W. Bargteil, B. Jones, S.Ward, A.Jallepalli, J. Perenia, J.Rash ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар натижасида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишнинг педагогик ва психологик муаммоларига кам эътибор қаратилганлиги ҳамда компьютер графикаси дастурларининг имкониятларидан фойдаланиб талабаларнинг моделлаштириш, креативлик,

қобилиятлари ва фазовий тафаккурини ривожлантириш имкониятлари тўлиқ очиб берилмаганлиги олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» ўқув фанини уч ўлчамли моделлаштириш методикаси асосида ўқитишни такомиллаштириш лозимлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХФ-4-001-сонли «Сув омборлари грунтли иншоотларининг мустаҳкамлигини ва зилзилабардошлигини баҳолашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ушбу фан бўйича талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш;

ўқув жараёнини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб лойиҳалаштириш орқали талабалар билимини назорат қилиш жараёнини такомиллаштириш;

«Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели ҳамда «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш жараёнининг методик тизимини лойиҳалаштиришнинг иммитацион моделлаштириш технологияси асосида фанни ўқитиш жараёнининг методик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини уч ўлчамли моделлаштириш воситасида ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини уч ўлчамли моделлаштириш воситасида ўқитиш мазмуни, шакллари ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик илмий манбалар, ДТС, ўқув режалар ва дастурларни танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик-ижтимоий (тест, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларни ўрганишда математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик (креатив, латерал фикрлаш, тасвирлаш, объектни график ўқиш),

дидактик (топшириқни уч ўлчамли моделлаштириш усуллари, визуал моделлаштириш), техник (видео ролик (график топшириққа оид)) мезонларининг ўзаро таъсирлашуви ва алоқадорлиги талабаларнинг график тафаккурини квалитетлик параметрларига кўра аниқлаштирилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» ўқув фани мазмуни ва дидактик воситалари имитацион моделлаштириш технологияси (мураккаб объектлар куриш, алгоритмик жараёнлар, мантиқий ҳаракатлар)нинг фазовий график тасвирлаш имкониятлари асосида такомиллаштирилган;

талабаларда мотивацион фаолиятни ривожлантиришнинг концептуал, рефлексив, интегратив компонентлари виртуаллик (товуш, уч ўлчамли график) ва иллюстративлик (анимация, дизайн, фото) хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак мутахассисларнинг мослашувчанлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ижодий-яратувчанлик қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминоти уч ўлчамли объектларга хос операторларнинг функционалликка кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари учун «Компьютер графикаси» ўқув фанини уч ўлчамли моделлаштириш методикаси асосида ўқитишни такомиллаштириш ва талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришга имкон берувчи дидактик топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

«Компьютер графикаси» ўқув фанини уч ўлчамли моделлаштириш методикаси асосида ўқитишни такомиллаштириш бўйича «Компьютер графикаси» мультимедиали электрон ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига тавсия этилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ихтисослаштирилган мазмуни ва таълимий жараённи лойиҳалаштириш модели (ўқув дастурлари, мультимедиали электрон қўлланма ва талабалар билимини назорат қилишнинг автоматлаштирилган дастурий воситаси) ўқув жараёнига тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги тақризлар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг математик статистика методларини самарали қўллашга имконият берувчи “Statistika 6” стандарт дастури асосида қайта ишланганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини уч ўлчамли моделлаштириш воситасида ўқитишнинг

педагогик мезонлари, ўқитиш методикаси, ўқув жараёнининг методик тизимини лойиҳалаштиришнинг иммитацион моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилгани; талабалар ўқув фаоллигини, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишнинг методик тизими такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тайёрланган уч ўлчамли моделлаштиришга асосланган мультимедиали электрон ўқув қўлланма, автоматлаштирилган баҳолаш тизими, ўқув-услубий қўлланмалар, компьютер графикаси фанини ўқитишда педагогик тажриба-синов натижаларидан олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш сифатини ошириш, илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантиришда, олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикасига оид тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасаларида компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштиришдан фойдаланишга оид таклифлар сув ҳўжалигида касб таълими ва техника бакалавриат таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган («Ўзстандарт» агентлигининг 2014 йил 17 ноябрдаги қарори билан тасдиқланиб, О‘з DSt БД-5340700-2.07-сон рақам билан Давлат рўйхатига олинган). Натижада мазкур ўқув фанлари бўлажак мутахассисларда график тафаккурни ривожлантиришда касбий мобилликни рўёбга чиқариш имкониятини яратган ва бўлажак мутахассисларнинг малака ва кўникмаларини тезкор ўзлаштириши, илм олишга, касбий маҳоратни такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак мутахассисларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминоти уч ўлчамли объектларга хос операторларнинг функционал имкониятлари асосида ўқитишни такомиллаштириш орқали таълим самарадорлигини оширишга оид методик тавсиялардан U-2014-4-7 рақамли «3 ўлчамли форматда намойиш этиш майдон платформасини яратиш ҳамда ишланма ва технологияларнинг вертуал намуналарини моделлаштиришни ташкил этиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 18 январдаги 33-8/295-сон маълумотномаси). Натижада уч ўлчамли форматдаги ишланмаларнинг намуналарини моделлаштириш жараёнлари самарадорлигини ошириш ва бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал, профессионал лойиҳалаш маданияти сифатларини ривожлантиришда ўқув жараёнида дидактик восита сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик, дидактик, техник мезонларининг ўзаро таъсирлашуви ва

алоқадорлиги, график тафаккурга оид квалиметрик параметрлар асосида ишлаб чиқилган иммитацион моделлаштириш технологиясидан ўқув жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 89-04-1392-сон маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мослашувчанлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ижодий-яратувчанлик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминотни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 1 та дастурий маҳсулот учун гувоҳнома, 1 та инновацион ишланма ҳамда монография чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 128 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, учта боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган. Уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий этиш натижалари баён этилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида компьютер графикаси фанини ўқитишнинг назарий аспекти**» деб номланган биринчи бобида Олий таълим муассасалари (ОТМ)да «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш ҳолати, уни ўқитишда мавжуд муаммолар, ушбу фан бўйича талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга қўйиладиган талаблар, уч ўлчамли моделлаштиришдан фойдаланиб, талабаларнинг «Компьютер графикаси» фанига оид билимларини ривожлантириш аспекти баён этилган.

Олиб борилган дастлабки изланишлар натижаларига кўра, республика олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда: талабаларнинг фазовий тасаввур ва ижодий фаоллигини ривожлантиришда график дастурларнинг имкониятларидан талаб даражасида фойдаланилмаётганлиги; фан бўйича илмий-методик қўлланма ва дарсликларнинг етишмаслиги; график фанларни ўқитиш соҳасида предметлараро алоқадорликнинг мавжуд эмаслиги; график фанларни

ўқитадиган малакали кадрларни етарли эмаслиги; фанни ўқитишда зарур бўлган электрон ўқув қўлланмалар ва ўргатувчи дастурларнинг йўқлиги; график топшириқларнинг умумлашган методик тизими талаб даражасида эмаслиги каби камчиликлар аниқланди. Шу боис ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришга қарор қилдик.

Бу йўналишда олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди. Жумладан, К.А.Гребенников тадқиқоти ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида умумкасбий фанларни ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланишнинг педагогик ва технологик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган. Е.М.Третьякова касб-ҳунар коллежларда қурилиш мутахассислиги учун «Компьютер графикаси» фани мазмунини лойиҳалаш ва уни амалга ошириш технологиясини ишлаб чиққан. Шунингдек, Д.С.Саидахмедованинг илмий изланишларида касб-ҳунар коллежларида «Техник чизмачилик» ўқув фанини компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, ўқитишнинг назарий асослари ишлаб чиқилган. Э.И.Рўзиевнинг илмий-тадқиқот ишида ОТМларда «Компьютер графикаси» фанини «Графика» интегратив курси сифатида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган бўлсада, уларда «Компьютер графикаси» фанини олий таълим муассасаларида ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш жабҳаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Республикамизнинг олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси», «Компьютер графикаси ва дизайн», «Лойиҳалаш жараёнини автоматлаштириш» фанлари учун мавжуд намунавий дастурлар ҳамда ушбу фанларни ўқитиш ҳолатларининг таҳлил натижалари:

ОТМларининг деярли барча таълим йўналишларида бир ҳил мазмунда эканлиги; техника ва касб таълими йўналишларида мутахассисликка оид мавзуларга кўпроқ эътибор берилмаганлиги;

талабалар керакли билимлар базасига эга бўлишларида зарур бўлган фазовий график тасаввурни ривожлантиришга оид бўлган, яъни (3D моделлаштиришга) асосланган мавзулар жуда кам, мавжудлари ҳам (2D текисликда) лойиҳалашга оид эканлиги;

намунавий дастурни соҳа йўналишлари асосида касбий йўналишларга ажратилмаганлигини;


шунингдек, мутахассислик соҳасига оид масалаларни талабалар томонидан лойиҳалаш жараёнини амалга оширишларида зарур бўлган, ижодий фаолликни ривожлантиришга ёрдам берадиган 3D моделлаштиришга оид мавзуларга жуда кам соат ажратилгани;

уч ўлчамли моделлаштиришга етарлича эътибор қаратилмаганлиги кўзга ташланди.

«Компьютер графикаси» фанидан сув ҳўжалигида касб таълими ва техника бакалаврият таълим йўналишлари учун тавсия этиладиган 3D моделлаштиришга асосланган ўқув машғулотлари мавзулари қайта ишланди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг фазовий тасаввурини ва

ижодий фаоллигини ривожлантириш учун қўйилган мақсад ва уни амалга ошириш йўлининг схемасини қуйидагича келтирдик 1-рasm.

Талабаларнинг «Компьютер графикаси» фанидан ижодий фаоллигини ривожлантиришдаги асосий талаб, фазовий график тасаввур ва уни шакллантиришнинг мақбул усулидан фойдаланиш ҳисобланади. График фанларни ўқитиш мобайнида фазовий график тасаввур билан биргаликда ижодий график тафаккурини ривожлантириш муаммоси долзарбдир.



1-рasm. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш схемаси

Талабаларнинг ижод қилиш қобилиятини кенгайтиришда, икки ўлчамли ва уч ўлчамли компьютер графикасини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу уларга фазовий образларни кўра олиш имкониятини беради. График тасвирларни кўринишлари талабаларнинг фаол ижодини қўллаб-қувватлаш, зарур ҳодисаларни тушуниб бориш, муаммоларнинг мустақил ечимини излаш, ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва шу йўлда фақат фаоллик кўрсатишга ундайди.

Маълумки, тафаккур репродуктив (тасаввур этиш) ва фазовий тасаввурдир. Репродуктив тафаккур талабанинг тайёр билимлар олиши ва уларни тушуниб олиб, оғзаки ёки ёзма равишда эслаб қолиши билан характерланади. Фазовий тасаввур этиш мобайнида талаба билимларни тайёр ҳолда олмай, балки билимларни мустақил равишда олади, амалий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланилади. Шунинг учун ҳам, уларда график фанлардан ижодий фаолиятни камол топтириш учун, аввало фазовий тасаввурни амалга ошириш талаб этилади.

Шу боис, олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанидан талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик, дидактик, техник мезонларининг ўзаро таъсирлашуви ва алоқадорлиги аниқланди.



2-расм. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели

Педагогик мезонлар: замонавий график дастурлардан фойдаланиб, лойиҳалаш жараёнини олиб боришда, талабаларга оддий ҳамда мураккаб деталларнинг уч ўлчамли моделларини яратишга оид билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш; соҳага оид лойиҳаларни нафақат текисликдаги чизмасини чизишда балки, 3D моделини яратишда

фойдаланиш; ушбу восита орқали талабаларнинг фанга қизиқишларини ошириш, ижодий фаолият олиб боришларини йўлга қўйиш; бу жараёни амалга ошириш учун, зарур методик воситаларни ишлаб чиқиш, таълим жараёнига жорий этиш; ўқитувчининг бошқарувчанлик роли билан талабаларнинг фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш; ўтиладиган мавзуларнинг ўзаро узвий, диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш; ижобий натижаларга эришишларини таъминловчи қулай шарт-шароит яратиш. Психологик мезонлар: креатив, латерал фикрлаш, тасвирлаш, қаралаётган объектни идрок этиш, тасвирлаш, тасаввур этиш; объектни график нуқтаи назардан ўқиш; таълим олаётган кишининг фазовий тасаввурини ривожлантириш. Дидактик мезонлар: соҳага оид график топшириқларни уч ўлчамли моделлаштириш усуллари, даражали график топшириқлар, тест топшириқлари, анкета-сўровнома саволлари. Техник мезонлар: видео ролик (график топшириққа оид).

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш ва кенгайтирилган мақсадни амалга ошириш учун талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш моделини келтириш мумкин 2–расм.

Бугунги кунда нафақат компьютер графикаси қолаверса график фанлардан талабаларнинг фазовий график тасавури ва ижодий график тафаккурини ривожлантиришда график дастурнинг уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиши юқори самара беради. У қуйидагиларда ўз аксини топади: қаралаётган объектни идрок этиш, тасвирлаш ва тасаввур этиш; объектни график нуқтаи назардан ўқиш; таълим олаётган кишининг фазовий ва ижодий тасаввурини ривожлантириш; информатика курсини ўзлаштириш; қаралаётган объектнинг сифатли ва жаҳон таълим стандартларига жавоб бера оладиган даражада лойиҳалаш; компьютер графикаси курсини ўргатиш; компьютер графикаси курсини ўзлаштиришнинг қулай ва ишончли усулларида фойдаланиш воситасидир.

Диссертациянинг **«Уч ўлчамли моделлаштириш асосида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш жараёнининг методик тизимини лойиҳалаштириш»** номли иккинчи бобида автоматлаштирилган «Анкета» дастурини ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланиш, AutoCAD график дастуридан фойдаланиб, талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш, «Компьютер графикаси» фанидан соҳа йўналишлари бўйича график топшириқларни бажариш усуллари ишлаб чиқиш методикалари баён қилинган. «Компьютер графикаси» фани ўқув жараёнини методик тизимини квалитетик параметрлар асосида имитацион моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанидан талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш мезонлари ҳамда ушбу фанни ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели асосида «Компьютер графикаси» фанини ўқитиш жараёнининг методик

тизимини лойихалаштиришнинг квалитетрик параметрлар асосида имитацион моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилди 3-расм.



3-расм. «Компьютер графикаси» фани ўқув жараёнининг методик тизимини имитацион моделлаштириш технологияси

Ўқитиш услубини танлаш – бунда ўқитувчи ўқув фаолиятини бошлагандан сўнг талабалардан фанга бўлган қизиқиши, бошланғич билимлари, фанга нисбатан муносабатини аниқловчи саволлар киритилган

автоматлаштирилган дастур ёрдамида «Анкета- сўровнома» ўтказди. Ушбу назорат натижалари ўқитувчига ушбу гуруҳда ўқитиш услубини ва ўқув фаолиятга мақбул ёндашишни танлашга имконият беради.

Восита – график дастур имкониятларидан иборат 2D ва 3D ўлчамдаги моделлаштириш бўлиб, талабаларнинг «Компьютер графикаси» фанидан фазовий тасавури ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда ҳамда график дастурларда ишлаш малакасини ҳосил қилишда фойдаланилади. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда фойдаланиладиган замонавий график дастурий тизимларга AutoCad, 3DMAX, CorelDraw, PowerPoint, PaintNet ва бошқалар киради.

Методик тизим – «Компьютер графикаси» фанини ўқитишни мазмунли ташкил этишда фойдаланиладиган барча педагогик ва методик ишланмалар (икки ва уч ўлчамли моделлаштиришга асосланган электрон қўлланма, дарслик, мультимедиали электрон ўқув қўлланма, уч ўлчамли моделлаштиришга асосланган график топшириқлар тўплами, дарс жараёнида фойдаланиладиган интерфаол методлар) тўпламидан иборот:

Мультимедиали электрон ўқув қўлланма – «Компьютер графикаси» фанининг маъруза ва амалий машғулот мавзуларини, шунингдек берилган топшириқларнинг бажарилиш жараёнини ифодаловчи гипермувожаатларни ҳамда фойдаланиладиган адабиётлар ва интернет сайтларини ўз ичига олган бўлиб, маъруза машғулоти жараёнида мавзунини тушунтириш учун қулайдир. «Компьютер графикаси» фанидан амалий ва лаборатория машғулотларида ўтиладиган мавзулар бўйича график топшириқларнинг бажарилиш жараёнини ифодалайди. Талабалар ҳар бир мавзу бўйича график топшириқларнинг бажариш жараёнини ушбу наъмуналардан фойдаланиб ўрганишлари мумкин. Натижада талабаларнинг фан ва график дастурни даражаси жадаллашади; ўқув жараёнида кўرғазмалилик ва дидактик материаллардан фойдаланиш даражаси ошади; «Компьютер графикаси» фанидан ўқув қўлланма ва адабиётлар заруриятининг олди олинади; талабалар ўз устида мустақил ишлашларига ёрдам берувчи репититорга эга бўладилар.

Уч ўлчамли моделлаштиришга оид график топшириқлар тўплами – талабалар ўқув фаолияти давомида ҳар бир мавзуга тегишли график топшириқларни уч ўлчамли визуал моделлаштириш асосида бажаришлари учун мўлжалланган бўлиб, талабаларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантиришда асосий манба ҳисобланади.

Компьютерда график топшириқларнинг бажариш усуллари – амалий машғулотларда график топшириқларни бажариш бўйича талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш учун фойдаланиладиган методик восита. Бунда талабалар график топшириқларнинг бажариш усуллари уч ўлчамли моделлаштириш асосида бир нечтасини ўрганиш билан бир қаторда график дастурларнинг имкониятларини иложи борича мукамал ўзлаштиришлари таъминланади.

Автоматлаштирилган кўп вариантли тест топшириқларидан фойдаланиш – график дастур имкониятлари ва фаннинг қонун қоидалари асосида ишлаб чиқилган электрон назорат тури.

Уч ўлчамли моделлаштиришга оид дарсда фойдаланиладиган интерфаол методлар – мавзунинг хусусиятларидан келиб чиқиб танланади. Масалан: ақлий хужум, бумеранг, муаммоли моделлаштириш ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган технология талабаларда мотивацион фаолиятни ривожлантиришнинг концептуал, рефлексив, интегратив компонентлари виртуаллик ва иллюстративлик хусусиятларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган. Олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» ўқув фанининг мазмуни ва дидактик воситалари имитацион моделлаштириш технологиясини ташкил этувчилари мураккаб объектлар қуриш, алгоритмик жараёнлар, мантиқий ҳаракатларни фазовий график тасвирлаш ва талабаларнинг график билимларни ўзлаштириш ҳамда соҳа бўйича малакаларини шакллантириш имкониятларини беради.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов орқали уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикаси самарадорлигини баҳолаш**» номли учинчи бобида тадқиқот муаммолари юзасидан тажриба-синов ишларининг босқичлари, ўтказиш методикаси натижалари ва уларни статистик қайта ишлаш йўллари очиқ берилган.

Илмий тадқиқот иши уч босқичда амалга оширилди:

биринчи босқич (2011-2012) йилларда тадқиқот муаммоси моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи назарий маълумотлар тўпланди. Таълим жараёнида «Компьютер графикаси» фанини ўқитишнинг бугунги ҳолати, муаммолари бўйича илмий, илмий–оммабоп, адабиётлар, ўқув манбалари мазмуни, мутахассис ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишнинг услублари ўрганилди, умумлаштирилди; диссертация ишининг илмий асослари моҳияти белгилаб олинди; тажриба синов ишларини ташкил этиш юзасидан анкета-сўровнома, ва тест саволлари тайёрланди; уч ўлчамли моделлаштириш воситасида компьютер графикасидан талабаларнинг фазовий тасавури ва ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий асослари ишлаб чиқилди;

иккинчи босқич (2013-2014) йилларда тажриба-синов майдонлари сифатида белгиланган ОТМларда компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари синовдан ўтказилди;

учинчи босқич (2015-2016) йилларда яқунловчи тажриба-синов ишлари ўтказилди. ОТМларда «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасида талабаларнинг фазовий тасавури ва ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий асослари юзасидан олиб борилган ишларнинг камчиликлари тузатилди. Тажриба-синов ишларининг натижалари математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди; «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда график

дастурларнинг имкониятларидан бири бўлган уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда педагогик тажриба натижаларини баҳолашда турли усуллар катори анкета-сўровнома, тест усуллари оммалашган бўлсада, уларни қўллаш ва натижаларни таҳлил қилишда, тажрибаларни ўтказишда давомийликка эътибор бермаган ҳолда камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари учрайди. Тажриба ўтказиш, авваламбор, талабага бевосита билим олишга, ўз устида ишлашга ҳамда унинг билими самарадорлигининг ошиш даражасини кўришни таъминлаш лозим. Акс ҳолда ушбу тажриба фақатгина маълум вақт оралиғидагина ўз кучига эга бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, педагогик тажриба ўтказиш шакллантирувчи босқичида ва уни ташкил этиш жараёнида:

педагогик тажрибанинг вақт ва ҳолатга мутаносиб тарзда ташкил этилиши; тажриба ва назорат гуруҳи талабаларининг сони ўзаро яқин бўлиши; тажриба ўтказиш давомийлиги битта гуруҳда камида маълум ўқув йили тугагунча қайта-қайта олиб борилиши; ҳар бир тажриба якунида натижаларни солиштириш ва ўзгариш даражасини аниқлаш; тажриба ўтказиш жараёнини автоматлаштириш, яъни, (ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган дастурлар мажмуасидан фойдаланиш) ни йўлга қўйиш каби мезонларга риоя этган ҳолда педагогик тажриба ўтказилди.

Бунда: график фанларни ўқитишда ўқув жараёни бошида автоматлаштирилган дастурий тизим (анкета-сўровнома ва тест усуллари)дан фойдаланиб талабаларнинг фанга қизиқишлари ва бошланғич билимларини аниқлаш; фанга оид фазовий тасаввурни ривожлантиришга қаратилган электрон ўқув қўлланмалардан ва график дастурларни ўргатувчи дастурларидан фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда ўқув жараёнини методик тизимини имитацион моделлаштириш технологияси, компьютер технологиялари ва педагогик технологияларнинг интеграцияси асосида олиб бориш; ўқув жараёнига электрон баҳолаш тизимини жорий этиш; талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришда уч ўлчамли моделлаштиришдан фойдаланиш зарур. Тажриба-синов мобайнида талабаларнинг «Компьютер графикаси» фани бўйича фазовий тасаввур, график билим даражалари, уч ўлчамли моделлаштиришни ривожлантириш, уларнинг компьютер саводхонликларини ва мос билим ҳамда кўникмаларини ошириш мақсадида юқорида қайд этилган учта олий таълим муассасасини, яъни НамМҚИ (Наманган муҳандислик қурилиш институти), ТДПУ (Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети) ҳамда ТИҚХММИ (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институт)ларининг талабалари ўртасида тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичи ўтказилди. Ўтказилган тадқиқот ишининг натижалари 1-жалвалда келтирилган.

Ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижаларидан талабаларнинг «Компьютер графикаси» фанидан фазовий тасаввурини ва ижодий фаоллигини ривожлантиришда, бошланғич график билимларни

ўзлаштирганликларига, компьютер саводхонлигига, график дастурни ўзлаштириш даражасига урғу бериш лозимлиги тасдиқланди.

Шунинг учун ҳам, «Компьютер графикаси», «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси», «Муҳандислик графикаси» фанлари, «Педагогика», «Педагогик маҳорат» каби фанлар билан боғлиқликда ўрганилди. Ишлаб чиқилган дастурий мажмуалар «Компьютер графикаси» фани ўқув жараёнининг методик тизимини имитацион моделлаштириш технологияси асосида ўқув жараёнига жорий этилди.

1-жадвал

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичи натижалари

Синов Гуруҳи	Тажриба ўтказилган ОТМ номи	5(аъло)	4(яхши)	3(Қон.ли)	Жами
	НамМҚИ	23	48	38	109
	ТИҚХММИ	16	32	27	75
	ТДПУ	17	26	23	66
	Жами	56	106	88	250
Назорат Гуруҳи	Тажриба ўтказилган ОТМ номи	5(аъло)	4(яхши)	3(Қон.ли)	Жами
	НамМҚИ	14	45	43	102
	ТИҚХММИ	9	30	36	75
	ТДПУ	18	25	30	73
	Жами	41	100	109	250

Ўқув жараёнини ташкил этишда, машғулотлар илғор педагогик технологияларнинг компьютер технологиялари билан интеграцияси амалга оширилган. Унда тингловчиларнинг ўқув фаолияти автоматлаштирилган модел асосида лойиҳаланган.

2-жадвал


Тажриба-синов жараёнида олинган умумий натижалар

	Тажриба гуруҳи $n=250$			Назорат гуруҳи $m=250$		
Баҳо қиймати	5	4	3	5	4	3
Мос баҳолар сони	41	100	109	56	106	88
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$\bar{x} = 15,55$			$\bar{y} = 14,44$		
Самарадорлик коэффициентини	$\eta = \bar{x} / \bar{y} = 1,08$					
Критик нуқтаси	$\chi_{n.m}^2 = 54,89 > 4.6$					

Бунда асосан электрон қўлланма, автоматлаштирилган анкета-суровнома, тест, электрон педагогик технологиялардан фойдаланиб, олий таълим муассасаларида таълим олаётган ушбу тингловчиларнинг турли амалиёт даврларидаги фаолиятларини электрон тарзда баҳолаш йўлга қўйилди.

Тажриба-синов ишлари натижасининг самарадорлигини аниқлашда ва уни ташкил этишда мақсаднинг аниқ белгиланганлиги, махсус дастурнинг яратилганлиги, қатор педагогик тамойил ва қоидаларга амал қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади. 2-жадвал.

Олинган натижаларни таҳлил қилишда тингловчилар томонидан компьютер графикаси, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси бўйича билимлари, фазовий тасаввурлари, график дастурларда ишлаш кўникмалари автоматлаштирилган анкета-суровнома, тест асосида синов ва назорат гуруҳлари таққосланди (4-расм).



4-расм. Педагогик тажрибанинг умумий статистик таҳлили диаграммаси.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлил натижасида тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган кузатув усуллари тизими бир-бирдан тубдан фарқ қилиб, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш бали 15,55% ни, назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш бали 14,42% ни ташкил этди. Демак, синов гуруҳидаги усуллар тизими назорат гуруҳидаги усулларга нисбатан моҳиятан ва самарадорлиги жиҳатдан юқори экан.

ХУЛОСА

1. Педагогик ва психологик тадқиқотлардан талабанинг фазовий тасавури ҳамда график тафаккури асосан олий таълим муассасасида таҳсил олаётган даврдан бошлаб шаклланади. Олий таълимда талабаларнинг фаолиятини кўп қисмини фазовий тасаввурларни ривожлантиришга қаратилган машғулотлар ташкил этсада, бу тадбирларни ўқув шароитида

амалга ошириш бўйича ташкилий-педагогик, методологик ва методик, психологик ва физиологик ҳамда график дастурларнинг дидактикасига бағишланган махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Мазкур тадқиқот бу борадаги дастлабки уриниш бўлиб, у нафақат олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг тасаввурларни шакллантириш, балки талабаларни график таълимга тайёрлаш воситаларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

2. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш назарияси ва амалиётидаги аҳволнинг педагогик таҳлили шуни кўрсатдики, бу борада илмий ишланмалар, амалий тажрибалар бўлсада, улар биринчидан, бир тизимга солинмаган, иккинчидан, уни талабалар томонидан ўзлаштиришда қатор дидактик муаммолар мавжуд.

3. Уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишда, талабалар муайян ҳаётда фаолият кўрсатиш учун ижтимоий тажриба тўплайдилар. Бу талаба шахсининг жамиятдаги ижтимоийлашув жараёни самарали кечишини таъминлайди.

4. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишга оид машғулотлар фаолият орқали талабаларда график тафаккур ҳақидаги яхлит тасаввур, яъни айнан техник ва педагогик йўналишдаги бадиий-ижодий фаолиятлар воситасида талабаларда уч ўлчам ҳақидаги ягона илмий дунёқараш элементлари шаклланади.

5. Психологик тадқиқотлардан маълумки, инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг қонуниятларини, шунингдек, график дастурларни ўрганишнинг универсал йўли бўлмаганлиги учун ҳам фазовий тасаввурлар илмий дунёқарашни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

6. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш орқали талаба уч ўлчовли фазони фаол англовчи субъект сифатида майдонга чиқади.

7. «Компьютер графикаси» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишга нафақат техник йўналишдаги хусусий муаммонинг ечими, ҳаттоки талабани ижтимоий ҳаётга тайёрлаш каби ижтимоий-педагогик муаммони ҳал этилишида эмас, балки график таълимга оид муаммонинг ечими – миллат равнақи билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида қаралиши лозим.

8. Тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили асосида ишлаб чиқилган ва амалиётда синаб кўрилган «Компьютер графикаси» фани ўқув жараёнининг методик тизимини имитацион моделлаштириш технологияси таркибидаги методик ишланмалар, топшириқлар мажмуаси, мультимедиали электрон қўлланмани республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида қўлланилса, график дастурларни ўқитишга эҳтиёж ортиб бораётган шароитда, уларни етук мутахассис сифатида шаклланишига муҳим омил бўлим хизмат қилади.

**ОДНОРАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

НАСРИТДИНОВА УМИДА АХМАДЖОНОВНА

**МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ТРЕХМЕРНОГО
МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА
«КОМПЬЮТЕРНАЯ ГРАФИКА»**

**13.00.02. – Теория и практика обучения и воспитания
(компьютерная графика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1.Phd/Ped424.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Кучкарова Диларом Файзуллаевна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуқодиров Абдукаххор Абдувакильевич**
доктор педагогических наук, профессор

Сайдалиев Саидкарим Сайдинабиевич
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании одноразового совета Ученого совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете «__» _____ 2018 года в ____ часов. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом №4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за №__). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом №4. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

М.М.Арипов,
Председатель научного совета
присуждающего ученую степень
д.ф-м. н.,проф.

А.Д.Асқаров
Секретарь председателя научного совета
присуждающего ученую степень
д.п.н. (PhD)

Р.Б. Бешимов
Председатель научного семинара
при научноом совете присуждающем
ученую степень д.ф-м.н. проф

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В развитых странах мира повышается внимание к повышению эффективности обучения компьютерной графике, исходя из изменений в развитии и глобализации компьютерных технологий, их важности в определении направления развития передовых технологий. В наши дни в ведущих университетах мира визуализация обучения компьютерной графике, работа с различными эффектами и полученные при этом результаты используются в стабильном развитии образования и создании достойных условий для подготовки таких специалистов как мастер CAD, визуализатор, аниматор, в разработке виртуальных образовательных ресурсов, направленных на развитие культуры проектирования будущих специалистов.

В мировом масштабе ведутся эффективные научные исследования по использованию в сфере обучения компьютерной графике таких инновационных направлений как «Animation and graphics», «Construction of 3D modeling» и «Design of graphics» усовершенствованию методического обеспечения науки, развитию пространственного графического воображения и формированию навыков проектирования. При этом в основе зарубежных передовых исследований занимает особое место формирование особой обучающей среды, основанной на разработке методической системы, базирующейся на квалиметрическом подходе при развитии креативных способностей обучаемых. Особое внимание уделяется разработке, усовершенствованию и внедрению в практику методики использования средств трехмерного моделирования для развития творческой деятельности студентов при обучении компьютерной графике, активизации культуры профессионального проектирования обучаемых.

В системе высшего образования нашей страны большое внимание также уделяется широкому внедрению автоматизированного программного обеспечения через компьютерные программные средства пространственного моделирования, визуализации. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан важной задачей определено: «Совершенствование высшего образования, входящего в систему непрерывного образования, повышение эффективности подготовки высококвалифицированных кадров» Важное значение имеет совершенствование обучения дисциплине «Компьютерная графика» на основе методики трехмерного моделирования для развития творческой активности студентов с использованием программ компьютерной графики для обеспечения качества образования, обеспечения конкурентоспособности кадров.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года. - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70. .

Данная диссертация в определенной степени служит в претворении в жизнь задач, определенных в Указе Президента Узбекистана УП-4947 от 7 февраля о Стратегии действий дальнейшему развитию Республики Узбекистан, Постановлении Президента Узбекистана ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлении Президента Узбекистана «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование написано в рамках ведущего направления в развитии науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. По проектированию внедрения компьютерных технологий в процесс обучения высшего образования были проведены научные исследования со стороны следующих ученых: С.Сайдалиев, Д.Саидахмедова, Ч.Шокирова, А.К.Хамракулов, Н.Ж.Ёдгоров, Н.Г.Широкова, М.А.Файзиев, Т.Рихсибоев.

В научно-исследовательской работе Э.И.Рузиева теоретически и практически обосновано изучение компьютерной графики в высших образовательных учреждениях лишь в качестве интегративного курса.

В странах СНГ были проведены исследования по налаживанию изучения дисциплины компьютерная графика и проектированию методической системы обучения следующими специалистами: О.В.Арефьева, К.А.Гребенников, М.В.Матвеева, В.В.Корешков, Л.Я.Нодельман, Л.В. Павлова, Ю.И.Притула, Е.М.Третьякова, Л.М.Туранова, Т.В.Чемаданова, А.Я.Блаус, О.И. Беляков, А.Д.Ботвинников, И.В.Григорьева, Н.Н.Гомулина, Ж.Ж.Джанабаев, А.С.Каменев, А.Н.Костиков, О.А.Крайнова, О.В.Львова, И.Е.Малахоткина, К.Р.Овчинникова, В.С.Панюкова, И.С.Чирук, Т.В.Чернякова

